

Миллат маънавиятиning қуёши

Қумкўрғон агросаноат техникумидаги 2021 йил 9 февралда Буюк санъаткор – Инсон қалби ва ақлига теран таъсир ўтказа олган рух алломаси, ўзбек миллатининг мислсиз даҳоси Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишилаб тадбир ўтказилди. Маънавий-маърифий тадбирни Қумкўрғон агросаноат техникуми ЎТИБДУ Н. Бекқулова олиб борди ва тадбир иштирокчиларини табриклиш учун сўзни техникум директори А. Гаппаровга берди. У ҳозирги кунда маънавиятимизни асрash учун, авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимиy тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, тез ривожланаётган бугунги ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёrimizдаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшамоғи зарурлигини таъкидлади.



Тадбирнинг биринчи шартида ўқувчилар томонидан айтилган бир-бирини такрорланмаган маълумотлар, презентация(тақдимот) намойиши, томошибинларнинг завқ билан олқишиларига сазовор бўлди. Тадбир давомида ўқувчилар Алишер Навоийнинг адабий-бадиий мероси ва ғазалларидан намуналар ўқиб, Навоий асарлари асосида саҳна кўринишлари ҳамда “Тановар” рақсини ижро этишди. Айниқса, тадбирнинг “Баҳр-у байт” ва савол-жавоб мавзуидаги баҳс-мунозара шарти жуда қизғин ўтди. Навоий мероси уммондир. Уни фақат таваллуд кунларида; маълум бир соат ва ойлардагина ўрганиш уммондан бир қатрадир холос. Навоий ижодини ўрганишни ҳар дақиқа, ҳар сония тўхтатмаслигимиз лозим.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати